

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида Президент қарори эълон қилинганды.

Қарорда мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий күллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхұрлық қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлат пенсияларини тайинлашда 30 турдаги ҳужжат талаб этилади ҳамда уларни тақдим этишга масъул 14 дан ортиқ вазирлик ва ташкилотларда идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд әмаслиги қоғоз шаклида иш юритишдан воз кечиш ва ҳужжатларни йиғиши жараёнини рақамлаштиришга тұсқынлик қилиб келмоқда.

Давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, ушбу жараённи соддалаштириш, фуқароларнинг оворагарчиликларини бартараф этиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йұналишда соғлом рақобат муҳити ва замонавий стандартларни жорий этиш мақсадида 2022 йил 1 июлдан бошлаб, давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меңнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидағи ўқиши ҳамда ҳарбий хизмат даври тұғрисидеги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда, пенсияга чиқиши ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меңнат дафтарчаларидаги меңнат стажи тұғрисидеги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали «Ягона меңнат миллий тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — ЯММТ ИДАК)га киритиш хизмати жорий этилади.

Давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади. Бунда, меңнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидағи ўқиши ҳамда ҳарбий хизмат даври тұғрисидеги ҳужжатлар Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳолда электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинади.

Давлат пенсияларини тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-картаси талаб этилади.

С.ХУСАНОВ,

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи.

2022-07-25 17:08:05